

Имомул Ҳарамайннинг эллик ёшида наҳв олимга шогирд тушгани



15:30 / 27.09.2020 1781

Шайх Абул Ҳасан Али ибн Фаззол ибн Али Мужошиъий Қойровоний наҳвийнинг шундай деганини эшитганман: «У бизнинг ёнимизга хижрий 469 йилда келган эди. Уни Фахрул ислом эҳтиром билан қабул қилди. У зотнинг шогирдларидан бири сифатида наҳв ўқишга киришди. Имомлар имоми ўша вақтда эллик ёшга етган эди. У устозни ҳар куни уйларига олиб борарди ва у зотнинг «Иксийруз заҳаб фи синоъатил адаб» номли китобларидан дарс оларди. Абул Ҳасан Мужошиъий: «Мен ушбу имомдек илмга ошиқ кишини кўрмаганман, у илмни илм учун талаб қиларди ва шундоқ бўлди ҳам», дея ҳикоя қилган.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан